29 МАЙ 1984

«ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН!»

Бугун В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида тантанали равишда очиладиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII Халқаро Тошкент кинофестивали ана шу шиор остида ўтади.

ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 115 (5406).
23 МАЙ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ ЗАМИНИДАГИ САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР



Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларини кинематографчиларини ўз бағрига чақириб, тинчлик ва дўстлик байрами яна бир бор нишонланаётган кунларда, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кинематографчилари ўртасида ижодий ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ривожлантиришга, халқларни бирлаштиришга даъват этилган VIII Халқаро Тошкент кинофестивалининг очилиш маросимлари бўлиб ўтади. Ҳар бир кинофестиваль унутилмас воқеа бўлиб қолади, маданиятларни ўзаро бойитади.

Тошкент кинофестивалига келган меҳмонларни ва Тошкент кинематографчиларини Ўзбекистон пойтахтининг кўплаб меҳнаткашлари, ёшлари, санъат ихлосмандлари самимий кутиб олишди. Ҳар бир учрашувда, ҳар бир суҳбатда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланди, ижодий ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, тинчлик ва халқлар дўстлиги учун курашда кинематографчиларнинг ролини ошириш масалалари кўтарилди.

Тошкент кинофестивалига, оқ йўл!

* * *

СУРАТДА: Тошкент кинофестивалининг қатнашчилари.

Т. Каримов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов 22 май куни Кремлда Австриянинг «Фест—Альпине» концерни бош директори Х. Апфальтерни қабул қилди.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Германия Федератив Республикаси федерал канцлерининг ўринбосари, федерал ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер ўртасида 21 май куни Кремлда музокаралар бошланди.

Дунёдаги, шу жумладан, Европадаги ҳозирги вазиятга доир масалалар муҳокама диққат марказида бўлди.

Тошкентга келиш биз учун байрамдир

А. ҚАРАГАНОВ,
СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг секретари.

—Мен кўпгина халқаро Тошкент кинофестивалларида иштирок этганман. Ҳар гал Тошкентга келиш биз киноустаcame учун катта байрамдир. Чунки бу ерда жаҳоннинг йирик киноанжуманлари қатнашчиларини фақат меҳмондўстлик билан кутиб олишгина эмас, фестиваль ишини аниқ ташкил этишга ҳам жуда катта аҳамият берилади.

Саккизинчи марта ўтказилаётган фестиваль унинг истиқболлари билан бирга илгариги кино байрамларининг натижалари ҳақида гапириш имконини ҳам беради. Масалан, шундай фактга эътибор берайлик: эндиликда Ғарбда ўтаётган бошқа фестивалларда ҳам Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг фильмларига йил сайин катта ўрин бериб бориляпти. Бу Тошкентда ўтаётган киноанжуманларнинг аҳамияти ва таъсир доираси кенгаяётганлигидан далолат дир. Шунинг учун ҳам дадил айтиш мумкинки, Тошкент киноанжуманлари халқаро кинематография ҳаракатида янги тўлқинини бошлаб берди.

Тошкент фестивали бу энг аввало ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик фестивалидир. Масалан, мен айнан Ўзбекистон пойтахти бирбирларининг фильмларини кўриш ва баҳолашга катта имконият очиб берганлиги ҳақида фахрланиб гапирган африкалик киноустаcame сўзини кўп бор тингланганман. Улар бу ердаги ижодий мулоқотлар, тажриба алмашиш, ижодий режаларни белгилашдаги муҳим имкониятни донмо фахр билан ҳикоя қиладилар. Тошкент кинофестивали энди ривожланиб келаётган ёш кинематографияларнинг тараққиётига ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда.

Тошкент кинофестивалларининг яна бир хусусияти шундаки, у илгари ўз киносига эга бўлмаган мамлакатларда кино санъатини вужудга келишига ёрдам бермоқда. Масалан, Сенегал кинематографияси биринчи Тошкент кинофестивали ўтган даврдан буён шаклланиб, ўзига хос ва етук кинематографияга айланди.

Бундай янгиликлар кўпаймоқда. Биз бир неча йил муқаддам бу ерда Мозамбик экран усталарининг «Моэго» фильмини томоша қилган эдик. Бу картина Мозамбик экран усталари яратган дастлабки картина эди. Бугунги кунда картина ижодкорлари жуда илгарилаб кетдилар. Улар киносанъатининг ойдин йўлига чиқиб олдилар.

Тошкент фестивалининг яна бир диққатга сазовор хусусияти шундаки, фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари бу ерда ўлмас Ленин ғоялари билан қуролланган халқ дўстлик ва қардошликда яшаб қандай ютуқларга эришганлигини, бунёдкор, ижодкор халқ маданий ва иқтисодий тараққиётда қандай ютуқларни забт этишни мумкинлигини ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўляптилар.

Тошкент фестивалларининг аҳамияти чексиз. Бугунги кунда жаҳонда кескинликни юмшатиш, уруш хавфини камайтириш, ядро ҳалокатига қарши курашишдек муҳим вазифа кўндаланг бўлиб турибди. Шундай пайтда экран усталари ҳам ўз кучларини инсониятни ва унинг келажагини сақлаб қолишдек умумий ишга сафарбар этишга қаратишлари лозим. Тошкент фестивали уларни ана шундай муштарак мақсадлар йўлида бирлаштиради.

ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

Ўзбекистон пойтахти байрам либосида. Унинг кўчалари ва майдонларини, хиёбонлари ва паркларини Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро кинофестивалининг эмблемалари, транспарантлари безатиб турибди. Транспарантларда кинематографчилар анъанавий анжуманининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган олижаноб шиори, учрашув қатнашчилари ва меҳмонларини табриклаб ёзилган сўзлар кўзга ташланади. Фестиваль қароргоҳи «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдидаги майдонда анжуманда қатнашувчи мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди.

22 май куни, кинофестиваль тантанали очилиши арафасида шаҳар жамоатчилигининг вакиллари Тошкент аэропортида меҳмонларни самимий табриклади-лар. Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар аҳолиси уч қитъа кино санъати намояндаларини ранг-баранг гулдасталар, байрам тароналари билан шодиёна кутиб олди.

(ЎзТАГ).

ЮТУҚЛАР СИЗГА ЁР БЎЛСИН, КИНО УСТАЛАРИ!

В. А. АЛАВУТДИНОВА,
VIII Халқаро Тошкент кинофестивалини ўтказиш бўйича республика ташкилий комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

—Яна пойтахтимизда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро кинофестивали бошланиб кетади. Бу байрам учун халқларининг тинчлик ва дўстлик байрами ҳамдир. Тошкент фестивали қатнашчиларини ва меҳмонларига «Хуш келибсиз!» дейишмоқда. 91 мамлакатдан халқаро ва миллий кинофестивалларга ташриф буюрган Ўзбекистон пойтахти киноҳалқининг чақириғини ўринсиз деб ҳисобламади. Ўзбек халқи Ўзбекистон ССР ва Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигини, Полвонларнинг ўзига хос, фахрли тахаллуси бор. Улар йўлбарс, бургут ва бошқалар деб номланади. Бу фильм халқнинг ижодий ва ақлий салоҳиятини, ижодий ютуқларини ўзида мужассам этган. Бундан ташқари «Ҳамма болаларга ато-

доирасида бошқа бир қатор тадбирларни ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Бу фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларининг Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларига ташриф буюриши, меҳнат коллективлари билан учрашувлари ва бошқа тадбирлардир. Ўзбекистон Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш жамиятида, республика Киночилар уйида, Ўзбекистон Театр жамиятида фестиваль қатнашчилари билан учрашувлар ўтказилади.

Тошкентликлар меҳмонларга фахр-нафтихор билан гапириб берадиган ютуқлар ҳам озмунча эмас. Улар Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг шонли юбилейини янги меҳнат совғалари билан кутиб олияптилар. Бугунги кунда Тошкент аҳолиси жиҳатидан Совет Иттифоқидаги энг йирик тўртинчи шаҳар ҳисобланади. У йилдан-йилга янги-янги меъморчилик комплекслари билан гўзаллашиб боряпти. В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройи, Киночилар уйи, Тошкент метрополитени, янги телеминора шулар жумласидан.

Илгари фестивалларда пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонларнинг кўпчилиги Тошкент бугунги кунда ўз маҳсулотларини жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатига юбораётганлигини яхши биладилар. Масалан, ўз киносанъатини фестивалга тавсия этган уч қитъадаги мамлакатларнинг кўпчилигида Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида ишлаб чиқарилган пахта териш машиналарини учратиш мумкин. Бизнинг шаҳримизда деярли барча қитъаларида яхши билишадиган «ИЛ—62» ва «ИЛ—62М» самолётлари ремонт қилинадиган жаҳонда ягона завод ишлаб турибди. Тўқимачилик машинасозлиги машина ва механизмлари, трактор ва экскаваторлар, электрон саноат маҳсулотлари ҳам жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларига юборилмоқда. Кўпгина мамлакатларда тошкентлик рассомлар, артистлар, кино ва театр режиссёрлари санъатини юксак қадрлашади. «Ўзбекфильм» ва «Игл-фильмз» киностудиялари биргаликда яратилган «Севги қиссаси» номли совет—ҳинд фильми мадания соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ёрқин мисолидир.

Кинофестивалнинг барча қатнашчиларига тошкентликлар номидан Ўзбекистон пойтахтида самарали ижодий иш олиб боришларида катта ютуқлар тилайман. Тошкент кинофестивалининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деб номланган шиори сиз киноустаcame янги ижодий парвозларга даъват этаверсин.

«Ўзбекистон пойтахтига хуш келибсиз!»

Н. МАННОПОВ,
Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

—Яна гўзал пойтахтимизда ажойиб кино байрами бошланди. Шаҳримиз уч қитъа мамлакатларининг рангбаранг байроқлари, турли тилларда ёзилган транспарантлар, гулларга безанди. Аҳолиси икки миллион кишига етган Тошкент халқаро байрамининг шоҳиди бўлмоқда. Икки ярим ой муқаддам туғилган Саодат Дадахонова шаҳримизнинг икки миллионинчи граждани бўлган эди. Саодат — бахт демакдир. Биз тошкентликлар, ишончимиз комилки, у чиндан ҳам бахтли бўлади, бизнинг болаларимиз ҳаммаси бахтиёр замонда яшамоқдалар. Бунинг учун эса энг муҳими тинчлик ва бунёдкорона меҳнат қиляпмиз. Бу икки тушунча дўстлик ва ҳамкорлик тушунчалари каби бир-биридан ажралмасдир.

Уч қитъа кино усталари ҳам тинчлик ва дўстлик учун, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ижод қилиш учун бу ерга йиғилдилар. Биз тошкентлик ишчилар уларга чин қалбимиздан, меҳмондўст юртимизга хуш келибсиз, деймиз.

Сора ЭШОНТЎРАЕВА,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениесининг раиси.

— Фестивалнинг бош штаби бўлган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, кино байрами фильмлари расмий намойиш этилаётган Санъат саройи ёнида ўнлаб мамлакатларнинг байроқлари ҳилпирамоқда. Киноанжумани экран усталарининг томошабинлар, шаҳримиз меҳнаткашлари билан кўплаб учрашувлари ҳам демакдир. Биз уларни республикамиз маданий қурилишнинг барча соҳаларида эришган ютуқлар билан таништирамиз, энг яхши спектаклларимизга таклиф этамиз. Ижодий тажрибаларимизни ўртоқлашамиз. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларининг Самарқандга саёҳати, қишлоқ меҳнаткашлари ҳузуридаги учрашувлари ҳам янада қизиқарли бўлиши шубҳасиз. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзусидаги ижодий мунозара кино байрамининг муҳим воқеаларидан бири ҳисобланади.

Мен Ўзбекистон ижодий зиёлилари номидан фестиваль ва унинг қатнашчиларига катта муваффақият тилайман.

VIII ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

БУГУН

Халқаро киноанжуман қатнашчилари ва меҳмонлари Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Улар В. И. Ленин Марказий музейнинг Тошкент филиали, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ва давлат санъат музейига ташриф буюрдилар. В. И. Ленин ҳайкали пойига ва Номаълум солдат қабригагуллар қўйишди.

Бугун кечқурун В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида Халқаро киноанжуман тантаналиравишда очиладм. Санъат усталари фестиваль меҳмонлари шарафига катта концерт беришадм.

ЭРТАГА

Санъат саройида VIII Халқаро Тошкент кинофестивалига тақдим этилган фильмлар расмий намойиш этила бошланади.

Кинофестиваль қатнашчиларн ва меҳмонларн Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига ташриф буюрадилар.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Ўзбекистон» меҳмонхонасининг матбуот залида совет ва чет эл журналистлари учун биринчи матбуот конференцияси бўлди. Унда VIII Халқаро кинофестиваль Бош директори А. Абдуллаев кинофестивални ёритиш ишида қатнашаётган журналистларни кино байрами программаси, фестивалда иштирок этаётган мамлакатларнинг кино делегацияларн билан таништирди.

●

Тошкент лак-бўёқ заводида бўёқлар ва алькид смолалар ишлаб чиқарувчи реактор лойиҳа қувватига эришди. Янги техника шарофати билан йилига 55 минг тонна маҳсулот тайёрланади. Корхонада яна ана шундай иккита агрегат монтаж қилинмоқда.

●

Тошкентдаги Н. Островский номидаги пионер ва ўқувчилар саройида комсомол ва пионерга Владимир Ильич Ленин номи берилганлигининг 60 йиллигига бағишланган пионер ва комсомол ташкилотлари тарихи музейи тантанали очилди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да 21 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутланиб туради, деярли ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 12—17, кундузи 27—32 даража иссиқ бўлади.

СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ҚАНФААТИНИ КЎЗЛАБ




Сарантуя Тумен ДЕМБЕРЕЛ,
«Монголфильм» киностудияси директори.

Бу йил бизнинг республикамиз халқларининг тинчлик ва дўстлик байрами ҳамдир. Тошкент фестивали қатнашчиларини ва меҳмонларига «Хуш келибсиз!» дейишмоқда. 91 мамлакатдан халқаро ва миллий кинофестивалларга иштирок этаётган Ўзбекистон пойтахти киноҳалқининг чақириғини ўринсиз деб ҳисобламади. Ўзбек халқи Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигини, Полвонларнинг ўзига хос, фахрли тахаллуси бор. Улар йўлбарс, бургут ва бошқалар деб номланади. Бу фильм халқнинг ижодий ва ақлий салоҳиятини, ижодий ютуқларини ўзида мужассам этган. Бундан ташқари «Ҳаммаси болаларга аталган» деган ҳужжатли лентани ҳам олиб келдик. Сизнинг мамлакатингиз каби, бизнинг республикамизда ҳам болаларни тарбиялаш, ўқитиш, дам олдиришга катта аҳамият берилади. Ҳужжатли лента ана шу ҳақда ҳикоя қилади.

АФҒОНИСТОН, ИНҚИЛОБ ДАВОМ ЭТМОҚДА...

Абдул ЛАТИФ, РЕЖИССЁР, АДР.




— Савр инқилоби бизга миллий кинематографияни ривожлантириш имкониятларини очиб берди. Картиналаримиз титрларида «Афғонфильм» деган сўз пайдо бўлди. Киностудияга истеъдодли режиссёрлар, актёрлар ва операторлар келиб ишлашмоқда. 28 майда сизнинг ажойиб Санъат саройингизда «Кочиш» фильмимизнинг премьераси бўлади.

Мен ана шу фильмнинг режиссёри ва сценарийси муаллифиман. Бу фильм аксилинқилобчиларнинг найрангига алданган одамлар ва уларнинг ўзга эллларда оғир машаққатларга дучор бўлганлиги ва ниҳоят она-Ватанига қайтиб келиши ҳақида ҳикоя қилади.

Кинофестивалга мен билан бирга ҳамкасбларим оператор Қодир Тоҳирий, артистлар Анвар Ризозода, Носир Азиз, Закия Дамаж ҳам келишган. Бу менинг икки йил ичида тайёрлаган тўртинчи бадиий фильмимдир.

Ҳа, инқилоб бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Биз шаҳар ва қишлоқларда халқимизга чинакам инқилоб санъатини олиб киряпмиз.



ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-84

ФЕСТИВАЛДАН ФЕСТИВАЛГАЧА

● 1968 йилнинг 21 октябрида Санъат саройида Осиё ва Африка мамлакатлари Халқаро Тошкент кино фестивалининг байроғи биринчи марта кўтарилган эди. Унга жаҳондаги 49 мамлакатдан 318 экран асари ташриф буюрди. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деб номланган Тошкент Халқаро фестивалининг шиори биринчи марта янгради.

● Осиё ва Африка мамлакатлари II Халқаро кинофестивали 1972 йилнинг 22 майида очилди. Ўша йили фестивалларни ҳар икки йилда ўтказишга қарор қилинди.

«Тенг ҳуқуқлар иттифоқи» шиори остида мамлакатимизнинг фестивалда иштирок этаётган киностудиялари яратган фильмларининг ретроспектив намойиши киноанжуманда муҳим воқеалардан бири бўлди.

Бу киноанжуманга 62 мамлакат кинематографчилари ўзларининг ранг-баранг картиналарини олиб келдилар. Бундан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО каби Халқаро ташкилотлар ҳам фестивалга ўз фильмларини тақдим этишди. Тошкентга фестивалда қатнашиш учун Европа ва Америка қитъасидаги 30 дан ортиқ мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюрди.

● IV киноанжуман Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро Тошкент кинофестивали деб номланди. Фестиваль экранида биринчи марта Аргентина, Бразилия, Куба, Панама ва бошқа мамлакатларнинг фильмлари намойиш этилди.

● V Халқаро Тошкент киноанжуманида 70 дан ортиқ мамлакат қатнашди. Унда биринчи марта Австралия ва Океаниядаги киностудияларнинг фильмлари ҳам расмий намойиш этилди. Фестиваль томошабинлари Чили Ватанпарвар кучлари ва Фаластин Озодлик ташкилоти кинематографчилари ва картиналар билан ҳам танишдилар.

● 1980 йили бўлиб ўтган VI Халқаро Тошкент кинофестивалида юз мамлакат, Халқаро ва миллий ташкилотлар иштирок этди. Кампучия, Никарагуа ва Сейшель оролларн. кинематографчилари унда биринчи марта қатнашди.

● Бундан икки йил муқаддам бўлиб ўтган VII Халқаро Тошкент кинофестивалида ҳам юзга яқин мамлакат, халқаро ва миллий ташкилотлар ташриф буюрди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари, РСФСР ва Закавказье кинематографчилари СССР 60 йиллигига бағишлаб яратган фильмларининг ретроспектив намойиши ўтказилди.

● Ҳозирги VIII Халқаро Тошкент кинофестивалига Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан ташқари Болгария, Венгрия, ГДР ва бошқа социалистик мамлакатлар, БМТ ва ЮНЕСКО кинематографчилари ташриф буюрди. Фестиваль 2 июнга қадар давом этади. Унда кўплаб бадиий ва ҳужжатли картиналар, мультипликацион фильмлар намойиш этилади. Кането Синдо (Япония), Мринал Син (Ҳиндистон), Нельсон Дос Сантос (Бразилия) каби режиссёрлар яратган фильмларнинг ретроспектив намойиши ўтказилади. Фестиваль қатнашчилари ва томошабинларига шаҳарнинг 11 кинотеатри хизмат кўрсатмоқда. Кенг экранли «Ватан» кинотеатрида фестиваль фильмлари биринчи марта намойиш этиляпти.



СУРАТДА: Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивалининг қатнашчилари — Ҳиндистон кино усталари.

Т. Каримов фотоси.

КИНО АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ТАНИШТИРАМИЗ

«Тошкент, менинг муҳаббатим...»

Мен машҳур япон киноактрисаси Комаки Курихара билан илк бор Москвада учраш-ган эдим. Ўшанда Тошкент фестивалларини қатнашчиси Александр Митта «Экипаж» фильмини суратга олаётган эди. Япон киноси юлдузи бу фильмда кичик эпизодик ролни ижро этишга бажонидил рози бўлганди. Агар ёдингизда бўлса, у террористлар қурбони бўлган йўловчи аёл қиёфасида намоён бўлади.

Аслини олганда, таниқли япон ва бошқа чет эл экран усталари учун кичик ролларни ижро этиш одат эмас. Аммо ҳамма гап шундаки, Комаки Курихара учун кичик роллар йўқ. Александр Митта актриса ролга ниҳоятда масъулият билан ёндошишини, ҳар бир саҳна, кичик эпизодни ҳам астойдил машқ қилишини таъкидлаганди. Агар Комаки Курихаранинг катта роллари ҳақида гапирадиган бўлсак, у театр ва кинода яратган кўплаб образлар тақсинга сазовор.

Бу нозик, жозибали ташқи қиёфага эга бўлган актриса шуҳрат чўққиларини осонгина эгаллаган эмас. Уни олди-қочди воқеаларга бой, қаҳрамон турли ҳолатларда ўзини намойиш қиладиган фильмлар эмас, балки жиддий драматургик материалга, чуқур ҳаётий ва социал пафосга эга бўлган фильм ва спектакллар кўпроқ қизиқтиради. Шунинг учун ҳам у рус ва чет эл адабиёти классикларининг қаҳрамонларини жуда кўп ўйнаган. Анна Каренина, «Уч опа-сингил»даги Ирина, «Олчазор»даги Раневская шулар жумласидандир. Офелия ва Дездемона ролларига ҳам Японияда ундан яхшироқ актрисани топиб бўлмасди.

Машҳур япон актрисасининг театр ва кинодаги ишлари, унинг жаҳон миқёсидаги эътибори ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин икки совет фильми — «Москва — менинг муҳаббатим» ва «Оқ тун оҳанглари»да у ижро этган ролларни хотирлаш яна ҳам мароқлидир. Иккала фильмни суратга олган таниқли совет режиссёрлари Александр Митта ва Сергей Соловьевлар Комаки Курихара ҳақида мароқ билан гапиришади.

Япон киносининг ёркин юлдузларидан бири бўлган Комаки Курихаранинг ўзи нима дейди?

— Бизнинг совет киночилари билан биргаликдаги ишимиз унутилмасдир. Совет кишилари билан учрашувлар ҳам хотирамда муҳрланиб қолган. «Москва — менинг муҳаббатим» — мен учун эндиликда фильмнинг номигина эмас, менинг чинакам муҳаббатимдир. Сизнинг гўзал шаҳрингизда бўлганимдан кейин эса эндиликда тўла асос билан «Тошкент — менинг муҳаббатим» дея оламан. Чунки менинг учун Совет Иттифоқида ва унинг республикаларидан бири — Ўзбекистонда бўлиш катта байрамдир.

Барча тошкентлик томошабинлар номидан тўла асос билан айтиш мумкинки, Комаки Курихаранинг яна шаҳримизга келиши, унинг иштирокидаги машҳур фильмлар кино мухлислари учун чинакам байрамдир.

* * *



СУРАТДА: «Оқ тун оҳанглари» фильмидан кадр.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

Бен Барканинг минг бир ташвиши

Бир неча Тошкент фестивалларининг қатнашчиси, шу жумладан, бу сафар ҳам меҳмон бўлиб келган атоқли Марокаш кинорежиссёри Бен Барканинг минг бир ташвиши бор. Бугунги кунда жаҳон экранининг Куросава, Сембен Усмон, Мринал Сен сингари атоқли усталари билан бир қаторда турган бу санъаткор, ҳамиша янги фильмни қандай яратиш, унга томошабинлар оммаси сари йўл очиш учун бош қотириши керак. Аммо Бен Барканинг яна бир, муҳим ташвиши бор. У ўз асарлари прогрессив социал ўзгаришлар, адолат ва тенглик учун курашда чинакам қурол бўлиб хизмат қилиши учун ҳаракат қилади. Ўзининг биринчи бадиий фильми «Минг бир кўл»да ҳам у ана шунга чақирган эди.

Итальян неореализми методлари билан таниш бўлган Бен Барка (у Италияда ўқиган ва телевиденияда ишлаган эди) бу фильмида эртаю кеч тинимсиз ўз хўжайини учун тер тўкишга мажбур бўлган фабрика ишчиларининг оғир ҳаётини ёркин ва таъсирчан акс эттирган. Албатта илк фильмининг бадиий жиҳатларини ўтган Тошкент фестивалида намойиш этилган «Амок!» фильми фазилатлари билан қиёслаш қийин. Аммо марокашлик режиссёр ўзининг илк фильмидаёқ адолат учун курашчи ва истеъдодли ижодкор сифатида намоён бўлган эди.

IV Тошкент кинофестивалида Бен Барка «Нефть уруши бўлмайди» фильмини намойиш этганди. Картинада номи айтилмаган араб мамлакатларидан бирининг либерал министри экономикани, халқнинг турмушини яхшилаш учун ҳаракат қилади, аммо барча уринишлари барбод бўлади. Чунки у чет эл концессионерлари манфаатларига тўла зид бўлган сиёсат олиб борган эди. Бу фильм ҳам ўзининг ўткир сиёсий ва ижтимоий йўналиши билан кўпчилик диққатини жалб этди.

Ниҳоят Тошкентда унинг янги иши — «Амок!» намойиш этилди. Картина томошабинларни чуқур реалистик тасвири билан хайратга солди. Бу фильм туфайли марокашлик режиссёр жаҳоннинг етакчи прогрессив киночилари сафидан ўрин олди.

Кўпгина ҳужжатли лентаналарни суратга олган Бен Барка бадиий фильмлар учун ҳам ҳамиша ўта ҳаётий, реал фактларни танлаб олади. «Амок!» фильми ҳам шулар жумласидандир. Иоганнесбург шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирининг аҳолисидан ирқчиларнинг қонли ўч олиши картинанинг яратилишига туртки берди. Бу ҳаяжонли картинанинг барча кадрлари катта маҳорат билан олинган. Апартеид тузумининг илдизлари тераплик билан кўрсатиб берилган.

Фильмдаги ролларни ижро этган актёрлар режиссёр концепциясини аниқ гавдалантирган. Унинг бошқа картиналарида ҳам ролларнинг пухта ижроси Бен Барка актёрлар билан тил топа олишидан далолат беради. Қисқа қилиб айтганда, Бен Баркапинг ижодий йўли — бу кино санъатидаги катта ғалабалар, сиёсий-бадиий кинода янги чўққиларни эгаллаш йўлидир. Биз ажойиб режиссёрдан янги, ёркин асарлар кутишга ҳақлимиз.

С. ПЕТРОВ.

УЧ ҚИТЪА КИНОСАНЪАТИ

ВЬЕТНАМ КИНОСИ: УФҚЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Узоқ ва оғир урушни бошдан кечирган Вьетнамда кино санъати кўпгина қийинчиликларга қарамай, муваффақият билан ривожланмоқда. Мавзулар доираси кенгаймоқда, даврнинг ўткир ва жиддий проблемалари кўтариб чиқилмоқда, бадиий услуб такомиллашмоқда, илгари қўлланилмаган янги жанрлар юзага келмоқда.

Миллий адабиёт классиклари асарларини экранлаштириш ана шундай самарали ташаббуслардан биридир. Масалан, кекса Вьетнам режиссёрларидан бири Фам Ван Хоанинг «Уни Зау деб атардилар» (Нго Тат Тонинг «Чироқ ўчади» номли машҳур повести асосида) фильми 1982 йилда Франциянинг Нанси шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда кумуш совринга сазовор бўлди. Режиссёрнинг кейинги фильми — «Ўша пайтдаги Ву Дай қишлоғи» (Вьетнам адабиётидаги танқидий реализмнинг ажойиб вакили Нам Као ҳикоялари бўйича Доан Ле сценарийси) фильми ҳам кенг шуҳрат қозонди.

Вьетнам киносининг кейинги икки йилдаги янги йўналишларидан бири ҳам миллий анъаналарга асосланган. «Шам Шао водийсига қайтиш» (режиссёр Нгуен Суан Тян) ва «Кумуш билакузук» (режиссёр Лам Шон) фильмлари бунга мисол бўла олади. Биринчи картинада ўттиз йил муқаддам узоқ Шам Мао водийсида, мео элати вакиллари яшайдиган Вьетнам, Лаос ва Хитой чегарасида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Қадимий урф-одатлар, севги можаролари ва оилавий фожиалар фонида мео халқи устидан ҳукмронлик қилиш учун шиддатли сиёсий кураш боради. Фольклор ва этнография бу ерда томошабин диққатини жалб этиш воситасигина эмас, балки ўрта аср феодал қарашларининг «замонавий» қўллик методлари билан тўқнашуви, халқнинг қолоқлигидан сиёсий мақсадларда фойдаланишни кўрсатишга хизмат қилади.

«Кумуш билакузук» картинасида воқеалар чекка районлардан бирида бўлиб ўтади. Бу ерда яшовчи элатларнинг тараққиётига анъаналар, урф-одатлар, хурофотлар, хўжаликни ибтидоий ташкил этиш тўсқинлик қилади. Мамлакат Жанубий озод қилинганидан кейин халқ хокимияти жамоага ўтроқ ҳаёт кечириш фикрини сингдиради. Қишлоқ хўжалик техникаси ва меҳнатнинг прогрессив методларидан фойдаланишни жорий этади.

Ўтмишга, миллий маданият манбаларига мурожаат қилиш ҳозирги замонни янада юксакроқ ва чуқурроқ англаш белгисидир. Ҳозирги давр ҳақидаги Вьетнам фильмлари буни тасдиқлайди.

1982 йилги миллий кинофестивалда ёш кинорежиссёр Нят Миннинг «Шаҳарча жуда яқин» картинаси ва таниқли санъаткор Хюи Тханнинг 1983 йилда Москва кинофестивалида ҳам намойиш этилган «Қумлар ва шамоллар ўлкасида» фильми олтин совринга сазовор бўлди.

Нят Миннинг картинасида қишлоқ йўл бошлиғи Ўзинга, ҳудди шундай ҳаётдан олинган эпизодда прогрессив кино санъатига раҳнамолик мақсадида, Ута халқ ижодкорларини мамлакатнинг ўзгаришлар шиддатини қурол сифатида ишлатишга чақиради. Ўтиб, ўтмишни ўрганиш ва ундан ибрат олиш, ўтмишни қўлга киритиш — бугунги Вьетнам киносининг бош қаҳрамони ҳисобланади. Бу — ҳаётнинг ҳақиқий манбаларидан озиқланаётган, ўзининг ижодий йўлини топаётган, ўз халқининг ҳаётини, унинг қалбини, ўзининг ҳозирги ва келажак тақдирини чуқур англаётган ёш Вьетнам киносининг ҳаётбахш ва истиқболли йўлидир.

● КИНОКАМЕРА КУРАШМОҚДА

...БИР ҚЎЛДА ҚУРОЛ БИЛАН

... Кубанинг «Гранма» газетасида босилган суратда қўлига қурол ва кинокамера ушлаган биринчи Никарагуа кинооператорлари тасвирланган. Булар Рамиро Лакайо, Альвара Хименес, Андриан Араско ва Энилио Родригеслар. Кечагина улар революция қуроли бўлган киносанъати билан ўз халқи озодлиги учун курашган эдилар. Бугунги кунда никарагуалик озодлик посбонлари Сандиночилар киноинститути теварагига яна жипслашдилар.

Улар ўз Ватанларининг озодлиги ва мустақиллиги учун, Америка империализми ва уларнинг малайларига қарши туну-кун аёвсиз кураш олиб бориш билан бирга ўзларининг янги картиналарини ҳам яратяптилар.

Лотин Америкаси мамлакатларининг прогрессив кинематографчилари халқаро аҳвол кескинлашган ҳозирги вақтда бир жанговар отрядга бирлашиб, ўз халқларининг бахти ва озодлиги учун курашга оливдоб боряптилар.

Ижтимоий озодлик мавзуси Лотин Америкаси мамлакатлари миллий кинематографиясининг ривожида муҳим қадам бўлмоқда. Бразилия ва Мексика каби қитъаларнинг йирик мамлакатларидаги ёш прогрессив киноусталари ҳам бундай курашдан ўзини четда деб билмаяптилар. Бу кураш йўли оғир, иқтисодий кризислар, чет эл, америкача енгил-елпи фильмларнинг тазйиқи кучли. Уларни барта раф этишда муҳим қадамлар қўйилди. Масалан, Бразилиянинг ўзида бундай америкача фильмлар ишлаб чиқариш икки баравар камайди. Прогрессив кино усталари ҳамон ўз мақсади ва идеалларига содиқ ҳолда бир қатор ажойиб лентапар яратиб, қитъа халқларини ижтимоий тенглик ва озодлик учун курашга даъват этмоқдалар. Режиссёр Жералду Сарнунинг «Полковник Делмиру Гувейя», Т. Ямасаканинг «Гайжин-озодлик йўли», Нелсон Перейра дус Сантуснинг «Ҳаёт йўлларида» ва бошқа картиналарида прогрессив аҳамиятга молик воқеалар, социал ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу фильмлар томошабинларни ўзларининг енгил-елпи фильмлари билан чалғитаётган америкача санъат намояндаларига муносиб жавоб бўлди.

Аргентина кино усталари ҳам бир қатор ютуқларга эришдилар. Аргентина прогрессив киноси мамлакатдаги ҳарбий режимнинг агдарилишида муҳим роль ўйнади. Илгари бу ерда яратилган бир қатор картиналар ва социал пафосга эга бўлган фильмлар кенг халқ оммасининг ҳаётбахш ва истиқболли йўлини ёритиб берди.

Ҳозирги кунда Аргентина кинематографчилари ўзларининг ижодий ва ташкилий қобилиятларини намоён этиш учун кенг имкониятларга эга. Бу ерда ҳар йили ўнлаб бадиий фильмлар суратга олинмоқда. Аргентина кинематографчилари ўзларининг ижодий ва ташкилий қобилиятларини намоён этиш учун кенг имкониятларга эга. Бу ерда ҳар йили ўнлаб бадиий фильмлар суратга олинмоқда. Аргентина кинематографчилари ўзларининг ижодий ва ташкилий қобилиятларини намоён этиш учун кенг имкониятларга эга. Бу ерда ҳар йили ўнлаб бадиий фильмлар суратга олинмоқда.

2. ТОШКЕНТ ЗАМИНИДАГИ ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

Тошкент кинофестивали янги фильмлар, ёш кинематография усталари билан танишишгина эмас, уч қитъа кино арбобларининг катта, ижодий меҳнат олиб борадиган ўзига хос маҳорат мактаби ҳамдир. Улар республикамиз билан танишадилар, томошабинлар билан учрашадилар. Ўзбекистон меҳмонлари Тошкент, Самарқанд ва республиканинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳар галгидек самимият билан кутиб олинадилар. Ўз навбатида меҳмонлар кино мухлисларига дастхатларини қолдирадилар, юртимизнинг ажойиб меъморчилик ёдгорликлари ёнида эсдаликка учун суратга тушадилар.

Бу галги кино анжумани программасида ҳам меҳмонларнинг Самарқандда бўлиши, қишлоқ меҳнатчилари билан учрашувлари, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиши, Ўзбекистон пойтахтининг музей ва театрларида, янги қурилишларида бўлиши кўзда тутилмоқда.

Кинофестиваль меҳмонлари қаерда бўлишмасин уларни тошкентликлар, республикамиз аҳолиси меҳр-муҳаббат билан кутиб оладилар.



ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Бошқа бир қатор ривожланаётган мамлакатлар сингари Мозамбиқ киноси ҳам инқилобий кураш оловида туғилган. XVII аср бошларидан мустамлака бўлган, сўнгра Португалиянинг «Океан ортидаги вилояти»га айланган бу мамлакат 1975 йилда мустақилликка эришди. Давлат мустақиллиги Мозамбик халқига оғир ва шиддатли курашлар туфайли қўлга киритилди. Бу курашга миллий инқилобий партия — Мозамбикни озод қилиш фронти (ФРЕЛИМО) раҳбарлик қилди. 1977 йил февралида ФРЕЛИМОнинг III съезди бўлиб ўтди. Унда чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар программаси қабул қилинди. Бундан кўзда тутилган мақсад социализм қуришга ўтиш учун замин яратишдир.

Биринчи Мозамбик фильмлари миллий-озодлик ҳаракати айни қизиган пайтда пайдо бўлган эди. Тўғри, улар асосан чет эллик-лар — шведлар, инглизлар, французлар ёрдамида яратилганди. Аммо бу лентапар моҳияти жиҳатидан прогрессив бўлиб, халқнинг мустамлакачила р г а қарши кураши, ФРЕЛИМОнинг қаҳрамонона фаолияти, озод қилинган районлардаги янги ҳаёт ҳақида ҳикоя қиларди. 1975 йилдан бошлаб Мозамбик киночиларига социалистик мамлакатлар актив ёрдам бера бошладилар. Ўшанда миллий Кино институти ташкил этилди. Унинг мақсади миллий кинематографияни вужудга келтириш, фильм прокатини таъминлаш ва кенг халқ оммасини экран санъатидан баҳраманд этиш эди.

Мустақиллик учун кураш йилларида бўлганидек, миллий Кино институти асосий диққатини инқилоб тарихини ва озодликдан кейин Мозамбик ерида вужудга келган муҳим ўзгаришларни акс эттирадиган ҳужжатли ва хроникал лентапарни яратишга қаратди. Жумладан, Сельсу Лукашнинг «25» фильми ФРЕЛИМО курашининг асосий босқичлари ҳақида ҳикоя қилади. Фильмнинг номи миллий-инқилобий партия учун унутилмас бўлган рақамни акс эттиради. 1962 йил 25 июнда бу ҳаракатга асос солинган эди. 1975 йил 25 июнда республика мустақиллиги эълон қилинди. 1964 йил 25 сентябрида армияда қуролли қўзғолон рўй берди, 1974 йил 25 апрелда эса Португалияда фашист диктатураси ағдариб ташланди. Фернандо Сильва суратга олган «Мустақиллик йили» ҳужжатли фильми ҳам ёш республика босиб ўтган йўл ҳақидаги ўзига хос ҳисоботдир. Унинг «Мапаи» фильми эса Родезия аггрессияси ҳақида ҳикоя қилади. Сўнгги йиллар фильмларидан «Қоплон операцияси» ҳужжатли лентасини кўрсатиш мумкин. У халқ озодлик кучлари жангчиларига бағишланган.

Ҳозирги пайтда ҳар ҳафтада мамлакат экранларида халқнинг меҳнат қаҳрамонлиги, жангчиларнинг ҳаёти ва жанговар ўқуви, халқаро воқеалар, маданият ва маориф ҳақидаги киножурналлар намойиш этиб турилади.

Кино институти биринчи хроникал ва ҳужжатли тажрибалардан аста-секинлик билан тарихни ва ҳозирги воқеликни бадиий акс эттиришга ўтмоқда. Мозамбикнинг биринчи бадиий фильми — Руи Гузрронинг «Мудо ҳақида хотира» картинаси бунинг гувоҳидир.

Ҳозирги пайтда Марказий разведка бошқармасининг Мозамбикдаги қўпорувчилик фаолиятини фош этувчи янги фильмни суратга олиш мўлжалланмоқда. Кино институти меҳнаткашлар оммасига мураккаб халқаро вазиятни тушунтиришга, уларни сиёсий ва ғоявий жиҳатдан тарбиялашга хизмат қиладиган картиналар яратишга интилмоқда. Экран санъатини халққа хизмат қилдириш учун мамлакатда кўчма кино системаси яратилмоқда. Мутахассислар ва тегишли техникаларнинг етишмаслигига қарамасдан томошабинлар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Инқилобгача Мозамбикдаги прокат тармоғи (42 кинотеатр, шу жумладан, 15 таси Мапутуда) Португалия ва Жанубий Африка компанияларига қарашли эди. Инқилобдан кейин прокат пайтида ... шунтиришга, уларни сиёсий ва ғоявий жиҳатдан тарбиялашга хизмат қиладиган картиналар яратишга интилмоқда. Экран санъатини халққа хизмат қилдириш учун мамлакатда кўчма кино системаси яратилмоқда. Мутахассислар ва тегишли техникаларнинг етишмаслигига қарамасдан томошабинлар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Инқилобгача Мозамбикдаги прокат тармоғи (42 кинотеатр, шу жумладан, 15 таси Мапутуда) Португалия ва Жанубий Африка компанияларига қарашли эди. Инқилобдан кейин прокат пайтида ... шунтиришга, уларни сиёсий ва ғоявий жиҳатдан тарбиялашга хизмат қиладиган картиналар яратишга интилмоқда. Экран санъатини халққа хизмат қилдириш учун мамлакатда кўчма кино системаси яратилмоқда. Мутахассислар ва тегишли техникаларнинг етишмаслигига қарамасдан томошабинлар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Инқилобгача Мозамбикдаги прокат тармоғи (42 кинотеатр, шу жумладан, 15 таси Мапутуда) Португалия ва Жанубий Африка компанияларига қарашли эди. Инқилобдан кейин


2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

23 МАЙ, 1984 й.

ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН!

МАХСУС «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» УЧУН

Чингиз АЙТМАТОВ: «ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ ФЕСТИВАЛИ — ЖАҲОННИНГ МУҲИМ КИНОАНЖУМАНИДИР»



VIII Халқаро Тошкент кинофестивали очилиши арафасида махсус мухбиримиз қатор Тошкент фестивалларининг иштирокчиси, ўтган йилнинг кузида Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган Осиё ва Африка прогрессив ёзувчилари юбилей конференциясининг қатнашчиси, ўз асарлари билан кўп миллатли совет адабиёти ва киносанъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган таниқли совет ёзувчиси, Ленин мукофоти лауреати Чингиз АЙТМАТОВ билан учрашди. Бугун Чингиз Айматов Халқаро Тошкент кинофестивалларининг аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Бизнинг замондошларимиз, ўйлашимча, Халқаро кинофестивалнинг жаҳондаги энг муҳим киноанжуманларидан бири эканлигини жуда яхши биладилар. Гап шундаки, Тошкент киноанжуманлари янги ҳаётга, янги маданиятга йўл очаётган миллий санъатлар ва миллий кинематографияларнинг ҳолатини таҳлил қилишда, у ёки бу халқлар ва регионлар тараққиётидаги янги тарихий ҳамда ижтимоий-маданий тенденцияларни умумлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Жаҳондаги бошқа киноанжуманларга қиёсланганда Тошкент фестивалларини нисбатан ёш. Аммо мен бу киноанжуманларнинг бошқа ташкилотчилари қатори ҳар гал унинг янада катта мазмун ва аҳамият касб этиб боришига амин бўлиб қайтаман. Бу мазмун моҳияти шундаки, айнан Тошкентда, тинчлик ва дўстлик шаҳрида, бизнинг Совет замини-миздан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг турли бурчакларида яшаётган халқларнинг вакиллари учрашадилар, тажриба алмашадилар, замонавий бадиий тафаккурни ривожлантиришнинг энг характерли тенденцияларини намойиш этадилар. Бу жуда муҳим ва зарурдир.

Маълумки, Тошкент фестивалларида одатда мусобақа шартлари кўйилмайди, қайси бир режиссёр ёки мамлакатнинг фильмига қандайдир ўрин берилмайди, балки яхши фильмлар ижодий союзлар ва жамоат ташкилотларининг мукофотлари билан тақдирланадилар. Мен ўринлар учун рақобат олиб борилишига қарши эмасман. Чунки санъатни, бадиий ижодни такомиллаштириш учун рақобатлар ва биринчилик учун курашиш ҳам керакдир. Аммо Ўзбекистон пойтахтида ўтаётган фестивалларнинг мақсади бошқача. Бу ерда менинг фикримча, энг аввало, у ёки бу ижтимоий-маданий воқеани тасвирлашга муносабатнинг аниқлиги биринчи ўринда туради. Бу бизнинг маданий ҳамкорлигимизда муштарак мақсадларни келтириб чиқаради, бундан ташқари Тошкент кинофестивали миллий кинематографияларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшадиган муҳим фактор ҳамдир. Бошқача айтганда, биз Тошкентга ўз ижодий услуби, тарихига эга бўлган киноусталари санъатдаги ўз йўналишимизни кўрсатиш учун замонавий санъатга прогрессив жиҳатдан муносабатда бўлишнинг энг ишончли йўлларини топиш учун, бир-биримизни қўллаб-қувватлаш учун йиғиламиз. Бу менимча Тошкент кинофестивалининг бош вазифасидир.

Бу галги Тошкент кинофестивалининг яна бир катта аҳамияти шундаки у жаҳонда империализм кучларининг айби билан халқаро муносабатлар кескинлашган, уруш олови-нини ёқувчилар қуроллани-ш пойгасини ҳаддан зиёд даражада авж олдираётган бир шароитда ўтмоқда. Айнан мана шу даврда ҳар бир соф виждонли санъаткордан, ким бўлишидан қатъий назар ҳар бир соф виждонли инсондан тинчликни сақлаб қолиш учун толмай кураш олиб бориш, ўз халқининг, ўз мамлакатининг ва умуман инсоният манфаатлари учун курашга ҳисса қўшиш тақозо этилади. Мен шунга аминманки, бугун ўз ишини бошлаётган Тошкент фестивали ана шу умумий курашга ўз таъсирини ўтказади. Негаки, киносанъати ва адабиёт муҳим жаҳоншумул воқеалардан четда туролмайди. Биз ҳаммамиз замонавий бадиий маданиятнинг ривожланиш жараёнига биргаликда таъсир этишдек муҳим мақсад туфайли бир-биримизга янада яқинмиз. Биз ҳаммамиз планетамизда прогрессив ўзгаришларни амалга ошириш учун масъулмиз. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтаётган Тошкент фестивали прогрессив экран усталарини ана шунга даъват этади.

ТИНЧЛИК ВА ОЗОДЛИК ҚЎШИҒИ

Пойтахтимиз Тошкент саккизинчи марта ер курраснинг турли қитъаларидан келган меҳмонларни ўз бағрига олди. Турли тузум, турли ирқ ва турли миллат вакиллари юртимизга ташриф буюришидан муддао битта: у ҳам бўлса тараққийпарвар инсониятни азалдан олға етаклаётган, зазғ ниятларни рўёбга чиқаришда яловбардор бўлган совет халқининг тинчлик учун толмас курашчи эканлигини, инсоният тинчлик зарурлигини яна бир марта намойиш этишдир.

Халқаро Тошкент VIII кинофестивалида кўрилаётган фильмлар барча прогрессив мамлакатлар кинематографчиларининг ўз мамлакат ва халқлари ҳаётини реалистик кўрсатишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатувчи кўзгу бўлиб қолди. Социалистик санъат ғояларини акс эттираётган Вьетнам Социалистик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси сингари социалистик мамлакатларнинг киносига назар солсак ёрқин, реалистик киносаҳналар яратишга интилиш кучли эканлиги кишини қувонтиради. Бу ўринда кино соҳасида янги илғорларга кетган Ҳиндистон, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа мамлакатлар кино мутахассисларининг намуна қилиб кўрсатса арзийдиган. Улар ҳар қандай таъқиб ва туҳматларга қарамай, буржуа идеологиясининг ҳақиқий башарасини экран орқали фош этмоқда. Жумладан, япониялик Акира Куросова, Ёдзу Ямада, Сапус, Сацус Ямамота, Кането Синдо, Тадаси Имайлар тинчлик байроғини баланд кўтаришиб, бутун башариятни урушга қарши даъват этмоқда. Масалан, режиссёр Сацуо Ямамото ўзининг «Уруш ва одамлар» фильм эпопеясида япон милитаристларининг Халхин-Гол кўли бўйидаги мағлубиятини ҳаяжонли кадрларда кўрсатар экан, ҳар қандай агрессиянинг аянчли оқибати ҳақида ўйлашга ундайди.

Икки йил муқаддам Тошкентда бўлиб ўтган VII Халқаро кинофестиваль фильмларида тинчлик ва халқлар озодлиги учун кураш мавзусига бағишланган масалалар янада кенгроқ, муфассалроқ ёритилган эди. Чунончи Афғонистон Демократик Республикаси кинорежиссёри А. К. Алиль ижодий группасининг «Уйғониш» картинасида деҳқонлар йўлбошчиси, ёш партия активисти Рауф ҳақида, унинг хавф-хатарга тўла ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилинади. Ироқлик режиссёр Сохиб Хададнинг «Мутава ва Бахия» деган фильми ҳам сиёсий мавзуда ишланган. Картина бош қаҳрамони камбағал деҳқон Мутава президент олдига кириб, у ташвиқ қилаётган сиёсатга қарши эканлигини билдирмоқчи бўлади. Бундан ташқари эроплик Амир Кавидель яратган «Қонга беланган шоли», малилик режиссёр Фалаба Исса Траоре ишлаган «Ҳаммамиз айбдормиз», эроплик К. Талегани раҳбарлигида экранлаштирилган «Америкага озодлик», кубалик режиссёр Педро Часкелнинг «Дунёни айланиб чиққан сурат», эфиопиялик режиссёр Тафезе Джарра яратган «Ғалаба йўли» ва бошқа бир қатор фильмлар орқали империалистик давлатлар олиб бораётган агрессив сиёсат туфайли халқаро вазият нечоғлик кескинлашиб бораётганининг гувоҳи бўлдик.

Навбатдаги VIII Халқаро Тошкент кинофестивалида намойиш қилинадиган фильмлар ҳам замонамизнинг актуал масалаларига бағишланган. Улар орасида мексикалик кинематографчиларнинг «Қўли гул уста» картинаси алоҳида ажралиб туради. Фильмда қишлоқдан шаҳарга иш излаб келган деҳқон ҳақида ҳикоя қилинади. У катта шаҳарда ҳам ўзига ўхшаган ишсизлар минглаб юз минглаб эканлигининг гувоҳи бўлади. Фильмни трагикомедия жанрига киритиш мумкин. Чунки кулги воқеалари орқали ҳаёт ҳақиқати, капитализмнинг жирканч башараси кўрсатилади.

Диққатга сазовор фильмлардан яна бири «Нокаут» деб номланган. Картина қаҳрамони оддий, лекин истеъдодли ва кучли боксчи. Аммо капитализм ҳукмронлиги шароитида у ўз истеъдодини ҳам, кучини ҳам намойиш этолмайди. Уни ҳар бир ўйинда ютқазишга мажбур қиладилар. Шундан сўнг у боксдан кетмоқчи бўлади. Лекин бизнесменлар бойлик манбаи бўлган бу боксчининг рингдан кетишини истамайдилар. Ўртада низо чиқади. Боксчини қатиқ қалтаклашади. У ҳаёт рингида мағлуб бўлсада, руҳан ғолиб чиқади. Мексикалик кинематографчилар фестивалда бу икки фильмдан ташқари «Севги сўқмоқлари», «Почанго» каби 12 та бадиий ва ҳужжатли лентала-ри билан иштирок этадилар. Шунингдек фестиваль экранида Аргентинанинг «Мени кутгил», Японияда ишланган «Санъат ва муҳаббат», «Амалги орқали йўл», «Боксёр», «Сиёсатчилар», Туркиянинг «Топталган муҳаббат тарихи», «Бу аёл», Корея Халқ Демократик республикасининг «Тонг юлдузи», Кубанинг «Амада» каби кўплаб киноасарлари намойиш қилинади. Уларни кўрган томошабин тинчлик ғояси умумбашарий ғоя бўлиб қолганига ишонч ҳосил қилади.

Шубҳа йўққи, VIII Халқаро Тошкент кинофестивалига юборилган барча фильмлар тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги йўлида муносиб хизмат қилади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

Иттифоқдош республикалар киностудияларида

ФЕСТИВАЛЬ ЛЕНТАЛАРИ

БУГУН БИЗ VIII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН ҚАРДОШЛАРИМИЗ ФИЛЬМЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ

«ГАРОВДАГИ ОДАМ»

«Тожикфильм» киностудиясида яратилган «Гаровдаги одам» фильми 20-йилларнинг воқеалари, босмачилар мисли кўрилмаган душманликлари билан сюжет ҳокимиятини мустаҳкамлашга халақит бераётган давр воқеаларини гавдалантиради.

Атиги бир неча милиционерлар қўриқлаб бораётган карвон Тожикистон жанубий бўйлаб Туркманистонга йўл олмоқда. Карвонда одамларга жуда зарур бўлган дори-дармонлар, вакцина бор. Лекин босмачилар бу карвонга ҳужум қиладилар... Картинада босмачиларнинг кирдикорлари, қаттиқ отишмалар, саргузашт фильмларга хос сюжет линиялари, муҳаббат интригалари ҳам ўз аксини топган. В. Максименко ва Л. Маҳкамовлар сценарийси асосида Юнус Юсупов суратга олган бу фильм ўзининг ана шундай саргузашт характерига қарамай, инсоннинг қийин ҳолатлардаги иккиланишлари, мураккаб вазиятларни тўлақонли гавдалантириб беради. Томошабин Годо образида ана шундай вазиятларни ҳис этади. Қизиғи шундаки, унинг қиёфаси босмачилар бошлиғига айнан ўхшайди. Годони суҳбатга таклиф этган босмачилар бошлиғи Бек уни ўзи билан биргаликда қочишга кўндирмоқчи бўлади. Годо дори-дармон олиб келаётган кичик отряд қуршовда қолганлигини билса-да, Бекка йўқ деб жавоб беради.

Картинада Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги Совети вакили Маъсуд Боев, милиция командири Зоиров, ёш милиционер Абдулло каби образлар ҳам бор.

«НИЗОМИЙ»

Озарбайжон кинематографчилари фестиваль экранига тарихий мавзудаги «Низомий» фильмини тақдим этишган. Унинг бош қаҳрамони буюк шоир ва мутафаккир Низомийдир. Кўплаб шоҳлар уни сарой шоирига айлантиришга уринган. Лекин шоир озод бўлишни, халқ билан бирга бўлишни афзал кўради. У ўз китоблари, достонлари билан яшайди. Асосий вазифасини камбағал кишиларга ёрдам беришда деб билади.

Ганжа ҳокимларидан бири бир куни суҳбатда Барду шаҳрида қадимий қўлёзмалар сақланиб қолганлиги ҳақида эшитади. Низомий ҳукмдорнинг таклифига асосан у ерга боришни лозим кўради. Қадимий шаҳар вайрон этилган эди. Лекин Низомий харобалар орасида китоблар ва қўлёзмалар сақланадиган қалъа посбони Мутазилни учратади. Мутазил қадимий қўлёзмалар ва афсонавий Нушаба маликаси ҳақида гапиради. Мутазил узоқ суҳбат давомида шоирнинг қадимий қўлёзмалар ва тарихни ўрганишга катта иштиёқи борлигини кўриб ҳамма манбаларни инъом этади. Низомий ана шундай катта тарихий манбаларга тўлиб-тошган ҳолда Ганжа шаҳрига қайтиб келади. Лекин шаҳар ҳокими ва диёнатини йўқотган ҳукмдорлар ҳамон халққа жабр қилишни давом эттирмоқда эдилар. Низомий яна ўз ижодий ишларига берилиб кетади.

Кунларнинг бирида Дербент ҳукмдори унга бир қул инъом қилади. Низомий қул сифатида тортиқ этилган қизни рад этади. Аммо қиз Низомийдан ортга қайтмасликни сўрайди. Шоир қизга озодлик беради. Низомийдан ҳимоят топган собиқ қул аста-секин шоир қалбини ром этади. Улар турмуш қуришга аҳд қилишади. Фарзанд кута бошлайдилар, лекин у тўлғоқ пайтида оламдан ўтади. Яна буюк мутафаккир шоир ёлғизликда қолади. У шеърияти, китобларида ўз халқининг дарди-аламларини кўради, халқининг орзу-умидларини қуйлашга, бу билан ўзини бахтиёр ҳис этишга ҳаракат қилади.

«БАҲОР КЕЛАДИ»

Грузия кинематографчилари фестиваль экранига тақдим этган фильм замонавий мавзуда. У таниқли грузин ёзувчиси Гурам Рчеулишвили асарлари асосида яратилган. Сценарий автори ва постановкачи-режис с ё р Н. Манагадзе кинематография воситалари орқали ёш ёзувчининг ўзига хос маънавий оламини кўрсатишга ҳаракат қилган. Томошабин фильмда бош қаҳрамоннинг ҳаёти орқали бугунги кунининг воқеаларини, муаммоларини кўради.

Фильм қаҳрамони Важа мунтазам одамларни кузатади, кейинчалик уларни ўз асарларига қаҳрамон қилиб олади. Биз уни севги оташида ёнган ҳолатларда ҳам кўрамиз. Унинг маъшуқага бўлган романтик севги муносабатлари жавобсиз қолади. Лекин ёзувчи тасаввурида яна бир асарнинг сюжети пайдо бўлади. Бу узоқ Шимолдан денгизга дам олгани келган оила тарихидир. 12 ёшли бола денгизда узоқ сузиб кетади. Анча вақтдан кейин унинг онаси ҳам сузиб боради. Соғлом, бақувват, яхши тобланган сузувчилар гўё фантастик воситалар ёрдамида ҳаракат қилаётгандек соҳилдан узоқ сузиб кетадилар. Лекин шу пайтда денгизда тўфон бошланиб қолади. Ота ва она ҳолдан тойгунча боласи ортидан сузиб уни қутқаришга ҳаракат қиладилар. аммо улар соҳилга қайтиб келолмайдилар...

Қутилмаган ва фожиали финал билан якунланган фильм қаҳрамонлари доимо ўз ўтмишларига назар ташлаб турадилар. Улар ўзлари билан кишиларни хотирлайдилар, кўз олдимизда уларнинг ҳаётлари гавдаланади. Ниҳоят бола денгиздан соҳилга соғомон сузиб келади... У гўё ҳали билмаган нарсаларни билишга ҳаракат қилгандек узоқ сузиб кетган эди. У 26 ёшда эди. Айнан мана шу ёшда ёзувчи Гурам Рчеулишвили ҳаётдан фожиали кўз юмган эди...

Грузия экран усталарининг бу картинада илгари сурган ғояси чинакам истеъдодга, жасорат ва эзгуликка гимн сифатида янграйди.





Режиссёр ўз фильми ҳақида

СССР—ҲИНДИСТОН: ҲАМКОРЛИКДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ФИЛЬМ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, кинорежиссёр Латиф Файзиев ўзининг ҳиндистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда яратган «Севги афсонаси» фильми устидаги ижодий ишларни ниҳоясига етказди. Биз Л. Файзиевдан ушбу картина ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.



— «Севги афсонаси» киностудиямиз томонидан ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда яратилган учинчи фильмдир. Агар эсингизда бўлса биринчи картинамиз «Ганг узра тонг», иккинчи картинамиз эса «Али бобо ва қирқ қароқчи саргузаштлари» деб номланиб, у ўтган Тошкент фестивалларида ҳам кўпчиликка маълум. Ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз ҳам ўзларининг ҳар бир картинасини ўзбек халқи ҳаётини, ўзбек халқининг ҳаётга, ижодга бўлган муносабатини чуқур ўрганиб, ўзларининг ижодий принципларидан келиб чиққан ҳолда ишлашга ҳаракат қилдилар. Ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз ҳам ўзларининг ҳар бир картинасида ўзбек халқининг ҳаётини, ўзбек халқининг ижодий ютуқларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз ҳам ўзларининг ҳар бир картинасида ўзбек халқининг ҳаётини, ўзбек халқининг ижодий ютуқларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз ҳам ўзларининг ҳар бир картинасида ўзбек халқининг ҳаётини, ўзбек халқининг ижодий ютуқларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Биз таниқли драматург Ўлмас Умарбеков билан ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз Ж. Сетхи ва У. Мехралар билан биргаликда картина сценарийси устида иш олиб бордик.

Илгари биргаликда яратилган фильмларимиз орқали Ҳиндистон экран усталари билан дўстона алоқаларимиз таркиб топган эди. Уларнинг кўпчилиги билан мен ана шу дўст мамлакатда бўлган ижодий сафарларимда танишганман. Табиийки, биз уларни ўзимизнинг ҳамкорликдаги янги картинамизда суратга тушишга таклиф этдик. Ш. Капур, З. Аман, П. Дихлон, С. Доел ва бошқа ҳинд экран усталари ушбу картинада ранг-баранг образлар яратишди. Шунга кўра айтиш мумкинки, янги фильмимиз чинакамига интернационал характерга эга. Унда «Али бобо ва қирқ қароқчи саргузаштлари» фильмида суратга тушган бошқа актёрлар ҳам иштирок этади. Софико Чиаурели, Фрунзек Мкртчян ва бизнинг ажойиб актёрларимиз Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов л а р ҳам «Севги афсонаси» фильмида кўпгина образлар яратишди.

Фильм музикалари устида совет ва ҳинд композиторлари иш олиб боришди. Ҳиндистонлик Малик ва рус композитори Владимир Милов картинанинг ғояларини тўлақонли очиб берадиган гўзал музика яратишган.

Имкониятдан фойдаланиб, мана шундай ажойиб картинанинг вужудга келишида катта ёрдам кўрсатган, бундай ижодий ҳамкорлик билан кинематографиялар қардошлигига, совет ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган ҳиндистонлик дўстларга катта миннатдорчилик билдираман.

Биз Ўзбекистон кинематографч и л а р и Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивалида иштирок этаётган ҳиндистонлик дўстларимизни чин қалбдан муборакбод этамиз.



3. ТОШКЕНТ ЗАМИНИДАГИ ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон кинематографчилари барча қардош республикалар ва ўнлаб чет мамлакатлардаги ҳамкасблари билан яқин ижодий алоқалар боғлашган. Комил Ёрматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудиясининг қардош республикалар ва чет эл киностудиялари билан ижодий ҳамкорлиги яхши анъанага айланиб қолди. Ўзбекистон илм-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг ҳужжатли экран усталари мамлакатимиздаги ва чет элдаги ҳамкасбларн билан ижодий ҳамкорлик қилишмоқда.

Республикамиз кинематографчилари чет эллардаги кўпгина халқаро киноанжуманларнинг қатнашчилари ҳамдир. Улар яратган картиналар бир қатор халқаро кинофестивалларнинг мукофотлари билан тақдирланган.

* * *

СУРАТЛАРДА: республиканинг етакчи киноусталари — СССР халқ артистлари Малик Қаюмов, Шукур Бурхонов ва Набн Раҳимов Тошкент кинофестивали қатнашчиларн даврасида.



ФЕСТИВАЛДАН ФЕСТИВАЛГАЧА

Тошкент кинофестивали Халқаро Москва кинофестивалига нисбатан ёш. Биринчи бор жаҳон кино санъатининг кўриги бўлган бу фестивалнинг бундан 35 йил муқаддам ўтказилганлигини ҳамма ҳам билмаса керак. У 1935 йилнинг 21 февралидан 2 мартига қадар ўтказилган эди.

Москва фестивали Совет киноси байрами кунларига тўғри келган эди. Ўшанда жаҳондаги 21 мамлакат Москва кинофестивалига ўз вакилларини юборган эди. Ўшанда жаҳондаги таниқли маданият арбоблари совет кинематографчиларини, фестиваль шонрини табриклаган эдилар. «Совет киноси, — деган эди ўз табригида Анри Барбюс, —янги ғоялари билан санъатнинг бутун бойлигини намойиш этди. Унинг бундай ажойиб ривожини бундан буён ҳам таъмин этиб бориш керак».

Ўшанда фестивалнинг биринчи мукофоти «Ленфильм» кинофабрикасида яратилган «Чапаев», «Максимнинг ёшлиги» ва «Деҳқонлар» фильмларига берилган эди. Бу картиналар совет кинематографиясида реалистик услубни шакллантиришда муҳим қадам бўлган эди.

● Тошкент Халқаро кинофестивали инсониятнинг энг юксак ғоялариға хизмат қилишдек Москва кинофестивалининг шонрини мерос қилиб олди. Тошкент кинофестивалларн йилномасидан сатрлар:

● «Тошкент кинофестивалида ҳамиша ўзаро бир-бирини тушуниш ва дўстлик муҳити бўлади. Бу ерда кинематографияси ривожланган йирик давлатлар ва киносанъатни дастлабки қадамларни қўяётган ёш давлатларнинг вакиллари ўзларнин тенг ҳуқуқли ҳис этадилар» — деган эди Тошкент кинофестивалли ҳақида гапириб СССР Кинематографчилар союзи правленнесининг биринчи секретари М. А. Қулижанов.

● Таниқли совет кинорежиссёри Григорий Чухрай эса мана бундай деган эди:

Ғарбдаги ҳеч бир фестивалда Тошкент киноанжуманида бўлганидек қардошлик руҳини ҳис этиш қийин. Тошкент фестивали жаҳон халқлари дўстлиги ва ҳамжиҳатлигининг ёркин рамзи бўлди.


● Чет эллик киноарбоблари ҳам Тошкент фестивалларига юксак аҳамият беришган.

Н. БЯМБАЖАВ (Монголия): Уч қитъа кинематографчила р и ҳаётидаги бу муҳим воқеада катта қувонч билан қатнашамиз.

АБДУ МОЗАИСКОДА (Эфиопия): Тошкент фестивалларининг аҳамияти беқиёсдир. Чунки биз бу ерда Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз билан учрашиш имкониятига эга бўламиз.

* * *

Тошкент кинофестивалларида «Кинофестиваль ҳамроҳи», («Спутник кинофестиваля») журнали анъанавий равишда нашр этиб келинятти.



СУРАТДА: журналнинг VIII Халқаро Тошкент кинофестивалига атаб чиқарилган биринчи сони.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕК

Тошкент—Олмаота
шахмат матчи

16 майда газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида тошкентлик шахмат мухлисларининг навбатдаги юришлари эълон қилинган эди. Улар биринчи тахтада d5—d4, ўзлари оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада эса Кв1—с3 юришини эълон қилишган эди. Бу юришлар «Вечерняя Алма-Ата» газетасининг 16 май сонида эълон қилинди.

Олмаоталик шахмат мухлислари ўйнаш учун ажратилган бир ҳафта муддатдан фойдаланиб газетхонларимизнинг d5—d4 юришига а7—а6 билан жавоб беришди, ўзларн оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада эса навбатдаги еттинчи юришни Кg1—f3 эълон қилишди.

Олмаота-Тошкент



Тошкент—Олмаота.



Ҳурматли газетхонлар! Ҳар икки тахтадаги вазиятни баҳолаб кўринг. Олмаоталикларнинг Кg1—f3 юришига қандай жавоб беришни таклиф қиласиз. Ўзингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги — еттинчи юриш қандай бўлиши керак? Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Биринчи бўлиб энг мақбул юришларни таклиф этганларнинг исми ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз, ҳозир Тошкент—Олмаота сиртқи шахмат матчида 510 газетхон «Тошкент оқшоми» томонидан баҳс юритиб, фикр ва мулоҳаза билдирмоқда. Бирон сабабга кўра бехабар қолганлар бемалол баҳсга қўшилишлари мумкин.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларинг и з н и 330874, 325680, 325681, 325885, 3328 95 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

ЭНГ ЯХШИ МУОЛАЖА

Жисмоний тарбия киши организмини чиниқтиради, уни турли хасталикларга бардошли қилади, умрни узайтиради. Шу боисдан ҳам аҳолини физкультура ва спортга жалб қилишнинг янги, замонавий усуллари топилиб, турмушга жорий қилинмоқда. Спорт байрамлари ана шундай янги анъаналардан биридир. Байрамни ташкил этиш ва уни ҳақиқий маънода ҳамма учун байрам бўлишини таъминлаш жуда кўп ташкилотчиликни талаб этади. Спорт майдонларини тайёрлаш, жиҳозлаш, безаш, зарур анжомларни топиш шулар жумласидан.

Ҳар қандай қийинчиликнинг хурсандчилиги бўлганидек, ғалабага эришган кишиларнинг қувончи, юзларидаги табассум ташкилотчиларга ҳам севинч бағишлайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Тошкент тўқимачилик комбинати стадиони байрамлардагидек безатилди. Стартга чиқиш учун сафланганлар орасида мактаб, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, болалар боғчаларининг тарбияланувчилари, маҳалла ва ЖЭК-ларда истиқомат қилувчи пенсионерлар бор эди.

ҲАММА УЧУН ФОЙДАЛИ





Кичкинтойлар 60 метр масофага югуриш, тўпни узоққа улоқтириш, эстафетали югуришда ғолиблик учун курашдилар. Маҳалла ва ЖЭК командалари комплекс программада баҳслашдилар. 172-мактаб ўқувчилари Артур Атаян, Владимир Цадинович, 91-мактаб ўқувчиси Зоя Мавриди, 48-мактаб ўқувчиси Евгения Богданова шахсий мусобақаларда ғалаба қозонишди. 4х60 метр масофага эстафетали югуришда 48-мактаб вакиллари энг яхши натижа кўрсатишди. ЖЭК ва маҳалла командалари ўртасидаги баҳсда 19-ЖЭУ коллективи ғолиб чиқди.

Ғолибларга совринлар топширилди. Иштирокчиларнинг ҳаммаси стадиондан кайфияти чоғ, хурсанд бўлиб қайтишди.

СУРАТЛАРДА: спорт байрамидан лавҳалар.

Р. Чорная фотолари.

РЎМОЛЛАР — ЛИБОСДИР,

РЎМОЛЛАР — ЖОЗИБАЛИЛИКДИР!



Ҳозирги замон либослар модасида ҳам аёлларга ҳамиша ярашиб турадиган рўмолга тез-тез мурожаат қилинади. Рўмол ҳар қандай либосга йилнинг барча фаслларида муносиб яраша ди. Куз ва қиш фаслида аёлларимиз кишини иссиқ ва соҳибжамол тутувчи жунли рўмолларни бажонидил ўрашади. Баҳор ва ёз фаслида эса кўйлак ёки костюмларга ацетат шойи, крепдешин, штапелдан тайёрланган майин рангдор рўмол ёки дуррача гоятда ярашиб туради.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

ТУРЛИ ХИЛ РАЗМЕР ВА ТУСДАГИ РЎМОЛЛАР КЕНГ КЎЛАМДА СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.

Бунга қуйидаги транспорт воситалари билан борилади: 28, 64, 91-автобуслар; 18, 8-троллейбуслар; 7, 8, 11, 15, 16-трамвайлар.

ГУМ (телефон 42-27-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ШАҲАРСОЗЛИК СОҲАСИДА ИШЛОВЧИ АРХИТЕКТОРЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИ
(Ўзбекистон ССР 50 йиллиги кўчаси, 7-уй)

ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА:

Бу китоблар 1985 йилнинг 2-кварталида «Стройиздат» нашриётида чиқаришга мўлжалланган.

АЛЕКСАНДР К. Э., Руднева Н. А. **Шаҳарсозликда тез юрар рельсли транспорт. Баҳоси 1 сўм 80 тийин.**

Мамлакатимиз ва чет эл тажрибаси асосида шаҳарсозликда тез юрар рельсли транспортнинг ўзига хос хусусиятлари, шаҳар аҳолисининг қатновида унинг асосий турлари ва аҳамияти кўриб чиқилган. Тез юрар рельсли транспорт системаларининг шаҳар зонасида функционал жойлаштирилиши ва қурилишида комплекс ёндошиш, бу системанинг таъсир этиш зонасида территориядан самарали фойдаланиш принциплари баён этилган.

МАТВЕЕВ Е. С. **Шаҳарларнинг саноат зонаси. Баҳоси 3 сўм.**

Чет эл ва мамлакатимиз тажрибаси асосида шаҳарлар саноат зоналарининг архитектура, планлаштириш структураси масаласи, уларни шакллантириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш принциплари ёритилган.

ПЛИНЕР В. А. **Янги шаҳарларни лойиҳалаш ва ташкил этишда системали ёндошиш. Баҳоси — 1 сўм 80 тийин.**

Шаҳарларни яхлит ва кўп даражали система тарзида таҳлил қилиш асосида янги шаҳарларни планировкалаш ва қайта қуриш ва бошқариш ҳамда ривожлантиришнинг рационал шаҳарсозлик принципларини аниқлаш.

СЕРЕБРОВСКИЙ Ф. Л. **Аҳоли яшаш жойларининг аэрацияси. Баҳоси — 2 сўм 30 тийин.**

Аҳоли яшаш жойларининг аэрация жараёнларини назарий ва экспериментал тадбиқ этиш умумлашмалари ва системалаштирилиши. Аҳоли яшаш жойларининг рельефи, баландлиги ва планлаштириш структураси, қурилиш ва ободонлаштиришнинг характери билан боғлиқ бўлган ҳаво оқимларини трансформация қилишнинг асосий қонуниятлари баён этилган.

Обунани расмийлаштиришда китобнинг тўла баҳоси тўланади. Обуна квитанция билан расмийлаштирилади.

Китоб магазинга келган куниёқ сиз обуна пайтида ёзиб қолдириб кетган почта открыткаси орқали маълум қилинади.

«Стройиздат» нашриётининг тематик плани биринчи қисмига киритилган нашрларга сиз «Техническая книга» (Ш. Руставели кўчаси, 43-уй) ихтисослаштирилган магазинида, шунингдек шаҳарларнинг исталган универсал китоб магазинида олдиндан буюртмани расмийлаштиришингиз мумкин.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМАЧИ-КОНСТРУКТОР, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ПРОГРАММИСТИ, ЎЙИН АВТОМАТЛАРИ МЕХАНИГИ.

Ўқиш муддати барча ихтисосликлар бўйича: 8 синфдан кейин 3 йил, 10 синфдан кейин 1 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат, (тўлиқ маълумот тўғрисида), 8 синфни битирганлар учун 8 синфни тугатганлик тўғрисида гувоҳнома; характеристика, 4 дона фотосурат (3х4 см.), справкалар: медицина (286-форма), турар жойидан, ота-онасининг бирортаси иш жойидан; паспорт, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, директор номига ёзилган ариза.

Адрес: Тошкент шаҳри, 84-алоқа бўлими, Киров райони, Хуршид кўчаси, 45-уй (14, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

Тошкент шаҳридаги 2-пойафзал фабрикаси базасидаги

149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: бичувчи (пойафзал деталлари бўйича), **заготовшик** (пойафзални устки детапларини тикиш), **пойафзални якка буюртма ҳолида тайёрловчи, саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи ремонтчи-слесарлар, ОТК контролерлари.**

Ўқиш муддати 1 ва 2 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

8—9—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8-синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса, давлат таъминотида бўлиб, кийимбош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминламади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг 50 проценти берилади. Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма билан юборилади.

Билим юртида қуйидаги тўгараклар мавжуд: тикиш ва бичиш, тўқиш, кино-фото, миллий чолғу-асбоблар бўйича ва спорт секциялари мавжуд.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, саломатлиги тўғрисида (286-форма) справка, 4х3 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, ўқиш ёки иш жойидан справка ёки характеристика.

Ҳужжатлар (якшанбадан ташқари) **барча кунларда соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй. Телефон: 76-77-45 (троллейбус 16, 123-автобуснинг «Домбробод» бекати, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси.

СССР Гидрометеорология давлат комитетининг

ТОШКЕНТ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

техникумга кирувчиларни тайёрлайдиган

ҚУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: техникум директори номига ариза, ишлаётганлар иш жойидан, ўқувчилар ўқиш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни 35-кабинетда қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади: 700019, Тошкент шаҳри, 3. Қобулов кўчаси, 45-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 44, 48, 97-автобуслар, 2, 7, 10-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). Телефон 48-07-21.

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ— ЮРТ БОЙЛИГИ

МАРҲАМАТ, ЮРАГИНГИЗНИ ТЕКШИРТИРИНГ

(КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ)

Кейинги ўн йил ичида юрак қон-томир касалликларига қарши курашиш ўзининг янги босқичига кўтарилди, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1977 йилда қабул қилинган аҳоли соғлиғини сақлашни янада яхшилаш чоратадбирлари ҳақидаги қарорида юрак қон-томир системаси касалликларига алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, бу хасталикларининг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш, даволаш ва профилактика қилиш методларини аниқлаш зарурлиги таъкидланади.

Кейинги йилларда республикамизда 35 та махсус кардиология бўлимлари, 190 кардиологик кабинетлар, кўплаб кардиологик тез ёрдам бригадалари ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли республика кардиология илмий-текшириш институти юрак қон-томир касалликларини аниқлаш, даволашнинг янги замонавий методларини жорий қилиш, касалликлар вужудга келишининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим омилларни амалга оширмоқда.

Бундан икки йил илгари институт қошида ташкил этилган консультатив-кардиологик поликлиника қисқа вақт ичида республикамиз областлари ва шаҳар поликлиникаларидан юборилган беш мингдан зиёд беморларга малакали консультатив ёрдам кўрсатди. Поликлиника замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Беморлар бу ерда касалликининг келиб чиқиш сабаблари, даволаш усуллари, унинг олдини олиш йўллари ҳақида малакали мутахассисларнинг яхши маслаҳатларини оладилар. Айрим ҳолларда эса беморлар ихтисослаштирилган кардиологик бўлимларда даволанадилар.

Шифохонада республикамизда биринчи марта ЭКГ ёзувларни телефон орқали қабул қилиш маркази — дистанцион диагностика (ДДЦ) мар-казн ташкил этилган. «Тез ёрдам» машиналарн, шаҳар поликлиникаларида, медицина-санитария қисмлари, Тошкент ва Жиззах областларида телефон орқали берилган электрокардиограммалар махсус мосламалар ёрдамида қабул қилиниб, ўша заҳотиёқ мутахассислар томонидан текширилади, телефон орқали хасталикни даволаш бўйича кўрсатмалар берилади.

Утган йил давомида қабул қилинган 3000 дан ортиқ ЭКГлардан 105 тасида юрак хасталигининг оғир формаларидан бирн — миокард инфарктининг бошланғич белгилари аниқланиб, беморлар ўз вақтида касалхоналарга жойлаштирилди. Бу билан миокард инфаркти оғир асоратларнинг олди олиниб, беморлар ҳаёти сақланиб қолинди.

Институтда ҳар йили очиқ эшиклар кунинн ўтказиш анъанага айланган. Бу йил ҳам 26 май куни кардиология илмий-текшириш институти ходимлари Тошкент Давлат медицина институтининг 1-ички касалликлар кафедраси профессор-ўқитувчилар составн билан ҳамкорликда кардиологик консультация поликлиникасида очиқ эшиклар кунини ўтказади. Барча беморлар ҳеч қандай йўлланмасиз келиб юрак қон-томир хасталиклари бўйнча малакали мутахассислардан тегишли тавсиялар ва маслаҳатлар олишлари мумкин. Адресимиз қуйидагича: Тошкент, Форобий кўчаси, 2-уй. Тошкент Давлат медицина институтининг янги клиникаси, 8-корпуси. Поликлиникка эрталаб соат 8 дан кеч 20.00 гача ишлайди.

Х. ТОШПЎЛАТОВ,

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги кардиология илмий-текшириш институти қошидаги консультатив-кардиологик поликлиника бош врачи.

БИЛДИРИШ

Лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати Тошкент университи тингловчилари диққатига.

24 май соат 17.00 да В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида «Ғозаки нутқнинг композицияси ва плани» мавзуида лекция ўқилади. Лектор — филология фанлари кандидати В. Хорошхин. Иккинчи қисм — «Лектор нутқининг маданияти» мавзуида семинар машғулотлари. Раҳбар —педагогика фанлари кандидати М. Тўхтахўжаева.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ТВ

ЧОРШАНБА

23 МАЙ

● МТ I

18.15 «Инсон ва қонун».
18.45 «Мактаб ислоҳоти». СССР Педагогика Фанлар академиясининг президенти М. И. Кондаков сўзи.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Спидвей бўйича халқаро мусобақалар. Ровнодан олиб кўрсатилади.
19.45 «ТЕЖАМКОРЛИК БРИГАДАДА ТУҒИЛАДИ». Ўзбекистон ССРда автомобиль транспортидан самарали фойдаланиш ҳақида.
20.15 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фильмнинг 2-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Рерих». Телефильм.
23.15 «Спорт ҳафталиги».
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ака-ука Москаленколар». Физик олимлар ҳақида ҳужжатли фильм.
19.00 «Қишлоқ янгиликлари».
20.00 —20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Қайрат» — «Днепр». 2-тайм.
21.00 Болгар эстрадаси артистларининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Хайрли соатда». Бадиий фильм.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида».
19.00 ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VIII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади.
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.15 «Мен рақсга тушишни истайман». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
20.45 «Ахборот».
21.05 «Совет Ўзбекистони шаҳарлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонлари учун Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач— Янгиликлар.

● УзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.).
19.00 «Янги урф-одатлар ҳаётга!»
19.30 Ўқитувчи экрани (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.50 «Зардўзлар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
21.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Бурчга садоқат...»
21.30 МТ II.

ПАЙШАНБА

24 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
9.55 «Моҳир қўллар».
10.25 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 3-фильмнинг 2-серияси.
11.35 Телефильмлар: «Пауль Куусберг. Эстония ССР халқ ёзувчиси», «Ара Сарксян».
12.10 РСФСР халқ артисти Ю. Марусин ҳамда МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
13.00 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Телефильмлар.
16.10 «Днепр узра қўшиқлар». Фильм-концерт.
16.35 «Сенинг ленинча кутубхонанг».
17.10 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
18.00 «Шахмат мактаби».
18.30 «Миллионлар ленинча университи». «Меҳнат—жамият—инсон».
19.00 Халқ куйлари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ёзувчи ва ҳаёт».
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фильмнинг 1-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.35 «Дунё воқеалари».
22.50 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочиларнинг Бутуниттифоқ телеконкурси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Сув жозибаси». Телефильм.
9.55 —10.15 «Москва бўйлаб саёҳат. Ленин проспекти». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 —11.35 К. Г. Паустовский. «Мешчера томони».
12.00 «Эҳтиёт бўлинг, водород!» Илмий-оммабоп фильм.
12.10 —12.40 «Онамларнинг мактаби».
13.10 —13.50 «Сен қонунни биласанми?» (Судларда иш юритиш тартиби ҳақида).
14.20 Карл Маркс «Ўсмирнинг касб танлаш пайтидаги ўйлари».
14.05 «Тўртинчи баландлик». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Иш кунидан сўнг». Телефильм.
19.05 — 20.30 «Учиш кечиктирилади». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Шоир Антал Гидаш».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Спартак».

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
11.30 «Регистон узра куйлар». Самаркандда ўтказилган Халқаро музикашунослар симпозиуми ҳақида музикали фильм.
12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик —олтин даврим. Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти. 1-кўрсатув.
19.05 «Реконструкция суръати ошмоқда». Олмалиқ тог-металлургия комбинати. «Восток» газетаси ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг биргалашдаги рейди (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди ҳаммадан».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Хива вақти билан» роса соат еттида». Бадиий концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришининг сифати».
22.20 «Ёр фарзанди». СССР артисти Ш. Бурхонов ижодий портрети.
23.40 «Бугун оламда нима гап». Халқаро ахвол кундалиги.

● УзТВ II

9.00—16.15 МТ II.
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Чегараннг қуйлари ва ашулалари». Телефильм.
19.00 «Тошкентда шундай бор». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
19.20 «Марш янграмоқда».
19.50 «Пионерия». Кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Уларни театр кутмоқда». Ҳужжатли фильм.
20.40 «Мен қўшиқка боғланиб бахш этдим». Л. Орлова ва И. Дунаевский ижоди ҳақида ҳужжатли фильм.
21.30 МТ II.

● ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 23/V ... церт, 24/V да Дўстлик ... лиши, 25/V да Октябрь ...

ҲАМЗА НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИ... МА ТЕАТРИДА — ... Келинлар қўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ МУЗИКАЛ... РИДА — 23/V да ... 24/V да Ёшлик ... гил, 25/V да Тўйдан ... моша.

● ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ... КИДА — «Сувда цирк». ... цирки артистларининг ... лари (19.30).

● КИНО

23, 24 МАЙДА ... БАДИЙ ФИЛЬМЛ... «САЛАМАНДРА» — ... 30 йиллиги (жуфт ... телефон 33-44-53). Ўзбе... ССР 25 йиллиги номли ... атларда, телефон 53-85-... Шайхзода номли (тоқ ... да, телефон 42-36-74. ... номли (жуфт соатларда ... фон 91-10-51).

«АВИАЦИЯ ХАЛ... ХАЗИНАСИ ТОМОН... Тинчлик (жуфт соатлар... лефон 58-36-06).

«УЗГРАДСТРОЙ» ... ишлаб чиқариш кўрс... монтаж бирлашмасининг ЖИЗЗАХ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА ... оператор-бетончилар, ... камловчилар, кўприк ... лари, слесарлар, ... сантехниклар, армату... лар, токарлар, фрезер... электр-пайвандловчи ... электрчилар, механи... гетик, мастерлар, ... лар, бош мутахассис...

КЕРАК

Ишга қабул қилинган ... бир йил мобайнида ... билан таъминланадилар. ... ғиз кишиларга ётоқхона жой берилади.

Меҳнат ҳақи — ишбо... кофотли, қўшимча 30 ... цент коэффициент, ... характерли бўлганлиги ... 20 процент ҳақ тўланади.

Ишчилар корхона ... биль транспортида иш ... га олиб борилади ва ... олиб келинади.

Бизнинг адрес: ... шаҳри, Саноат зонаси ... автобус, охирги ... маршрут такси).

Чилонзор районидаги ... ўрта мактаб томонидан ... мова Нигора Анваров... мига берилган 254278 ... ли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қашқадарё область ... ши районидаги 3-ўрта ... таб томонидан Холмо... Сайёра Мусуриманова ... га берилган 155340 ... йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, ... Раҳимов районидаги ... Пушкин номли 119-... томонидан Қодиров ... номига берилган 022869 ... мерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«УзНИИПградстроитель» ... институти коллектив... тут ходими Р. Эгамбер... рафиқаси

Ҳомия Қодировна ҚОДИРОВанинг

вафот этганлиги муно... билан чуқур таъзия ... лади.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-57-83; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

23 МАЙ, 1984 й. Р—09263. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10